

Тўмариснинг туморин таққан аёп ўпмайди!

4-бетда

ҲОФИЗ ВА «МУҲРДОР» ҚИССАСИ

5-бетда

КАСБИНГИЗГА САДОҚАТЛИМИСИЗ?

8-бетда



2017 йил –

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА
ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

Ошла



Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият
барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Жамият

21 (1328)-сон 24 май 2017 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ЭЗГУЛИК, САХОВАТ,

МЕҲР-ШАФҚАТ РАМЗИ

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва
инсон манфаатлари йили

Ҳурматли юртдошлар!
Муҳтарам пойтахтимиз
меҳмонлари!

Мамлакатимиз аҳолисининг, айниқса, ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қатор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда 2017 йилнинг 25-27 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳридаги Гафур Ғулوم номидаги маданият ва истироҳат боғида "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" шиори остида аъъанавий Республика "Китоб байрами" ўтказилади.

Сайл тарзида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбир адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китоблар тақдимотлари, ношир ва муаллифлар, адиб ва шоирлар, китоб графикаси рассомларининг китобхонлар билан бевосита ижодий учрашув-мулоқотлар, мушоиралар ва суҳбатлар, совринли интеллектуал викториналар, шунингдек, "Китобсеварларни қутлаймиз!" номли концерт дастурларни ўз ичига олади.

26 май куни "Китоб – миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси" мавзудаги V илмий-амалий конференция ҳам ўтказилади.

Барча китобсеварларни Республика "Китоб байрами"га таклиф этамиз!

Маълумот учун телефон:
244 -12-61

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 май куни қабул қилинган "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарори меҳр-оқибат ва яхшиликлар ойини интиқлик билан кутаётган юртдошларимизни янада руҳлантириб юборди. Бугунги кунда она юртимиз, Ўзбекистонимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳаларда катта ютуқ ва марраларни қўлга киритаётганини, диёримизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта, фаровон ҳаётни, файз ва қут-баракани халқимиз авваламбор Яратганнинг чексиз марҳамати сифатида шукроналик ва розилик билан қабул қилмоқда.

Қарорда эл-юртимиз учун азалдан эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга мансуб олижаноб фазилатларни, диний-маърифий кадрларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, "Нуруний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга мос ва уйғун тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида муҷассам бўлган инсонийлик, маънавий пок-

лик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз арконларини эъзозлаш, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни бир-бирига яхшилик қилишга, тотув ва баҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этадиган савобли амаллар ва тарғибот ишларини ташкиллаштириш қайд этилган. Ушбу қутлуғ ойда эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг муқаддас зиёратгоҳларини ободонлаштириш бўйича олиб бориладиган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилади. Шунингдек, Қарорда муборак Рамазон ойида ўтказиладиган тадбирлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилиши ҳам таъкидланган.

(Давоми 7-бетда)

ЎТГАН КУНЛАР ЎТИНЧИ

Ёдном



Тошкент вилоятининг Чиноз туманида ўзининг ватанпарварлиги, матонати, она Ерга бўлган муҳаббати, оилага, яқинларига чексиз меҳри билан юртимиз тарихидан муносиб ўрин олган Турсуноя Охунованинг 80 йиллигига бағишланг ҳотира тадбири ўтказилди.

Ўзбек хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб пахта териш машинасини бошқарган Турсуноя Охунова ҳақида гап кетса, ёши улуг отахон ва онахонлар ўтган асрнинг эллингичи-саксонинчи йилларида – собиқ шўролар тузумида кенг қулоч ёйган «Турсуноичилар» ҳаракатини эсга олишди.

1937 йилда Тошкент вилоятининг Чиноз туманида туғилган Турсуноя Охунова 14 ёшидан бошлаб далада ишлаган. Ўн етти ёшида механизаторлик курсини тамомлаб, пахта териш машинаси рулига ўтирган. Тарихий манбааларда ёзилишича, 1955 йилда пахта териш мавсуми давомида 20 тонна пахта терган. 1959 йилда бу кўрсаткични 210 тоннага етказган. Бу рақам ва кўрсаткичлар ортда қанчалик оғир меҳнат, уйқисиз тунлар ва машаққатлар ётганини унинг ўзи ва яқинларигина билишар эди. У ҳатто келинчақлигида ҳам, юраги тағда жажжи юракчалар уриб турганда ҳам, болаларининг эмизикли даврида ҳам заҳарли кимёвий дорилар сепилган даладан бери келмаган ва охир-оқибат ўпка касаллини туфайли жуда эрта – 47 ёшида оламдан ўтган. Шифокорлар бу

дард пахта далаларидаги кимёланган чангдан заҳарланиш натижасида юзага келганини таъкидлайдилар.

Ўша давр мафкурачилари Турсуноя Охунова сингари ўзбек аёлларининг меҳнатсеварлиги, оиласига, яқинларига меҳри, она заминга бўлган муҳаббатидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишган. Оқибатда «Қизлар, пахта териш машинаси штурвалини қўлга олинг!» деган чақириқлар билан «Турсуноичилар» ҳаракати шакллантирилган.

Озарбайжон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Ўзбекистондан минглаб қизлар шу ҳаракатга жалб этилган ва уларнинг тақдирини, саломатлиги бераҳмлиқ билан гаровга қўйилиб, ўзлари қурбон қилинган. Ўша даврдаги оғир меҳнат қозонига ташланган, ҳомиладорлик даврида ҳам даладан бери келмаган механизатор аёллар, теримчи қиз-жувонлар тақдирини тахлил этилса, уларнинг соғлигида юзага келган муаммолар кейинчалик бутун бир миллат тақдирига соя ташлаганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Совет мафкурачиларининг баландпарвоз гаплари, мартабаю мансаблари, турли мукофотларига алданган бундай аёллар оғир хасталик оғир: «Саломатлигим тикланса эди, уни ҳеч қандай унвонларга алишмасдим», дея изтироб чеккани ҳам ҳақиқат.

Машаққатли умр йўлида, фарзандлари тарбиясида, даладаги толиқтирувчи оғир меҳнат пайтида Турсуноя Охунова турмуш ўртоғи Султон Шерматовга суянди. У оламдан ўтгач, Султон ота 5 фарзандини бир ўзи вояга етказди ва ҳозиргача болаларига бош бўлиб, уларни дуо қилиб яшамоқда. Шу ўринда яна бир ҳақиқатни айтиб ўтиш керакки, Султон ота умрининг

қолган йилларини меҳнатсевар ва фидойи рафиқасининг хотираси билан ўтказди. Ҳозир ҳам у ҳақда гап кетса, хира торган кўзларида бир учкун милтиллаб, юрагидаги фахру ифтихорини ошкор этади. Бугун уларнинг фарзандлари Муҳаббат, Марҳамат, Қаҳрамон, Жаҳонгир ва Ҳилола Шерматовалар эл-юрт қорига камарбаста. Неваралари нуфузли таълим даргоҳларида таҳсил олиб, жамиятимизнинг турли соҳаларида фаолият юритишмоқда.

Турсуноя Охунова афсуски, Ватанимиз истиқлолга эришганини, халқимиз улкан ютуқларни қўлга киритганини, болаларининг қамолтини, невараларининг ютуқларини кўра олмади. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишга, ҳақ-хуқуқларини ҳимоя этишга, соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган улкан эътибор ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлолмади.

Юртимизда ҳар бир инсон азиз, хотираси муқаддас. Бу ҳақда гапирганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 18 ноябрда Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашувда, «яқин тарихимизда кечган ана шундай аянчли воқеалар мисолида мустақиллигимизнинг аҳамияти ва моҳиятини, қадр-қимматини янада тегингиз англаб етишимиз, уни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туршимиз шарт», деган сўзларини эслаш ўринли.

Жуда оғир ва мураккаб йилларда зиммасига пахта, пилла, қорақўл тери етказиб беришдек машаққатли меҳнат юклаган халқимизнинг ёрқин намоён-даси, ўзбек қизи деган номни шарафланда яшаган Турсуноя Охунова ва у каби фидойи юртдошларимизнинг ибратли умри ёшларга ҳаёт мактаби бўлиб қолаверади.

Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири

Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Оила ва жамият» газетаси таҳририяти ҳамкорлигида Куйичирчиқ туманида 15 Май – Оила қўнига бағишлаб «Оилалар маънавиятини юксалтиришда жамоатчиликнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ОИЛА МУҲИТИ
СОҒЛОМ БЎЛСА...

Тадбирда Тошкент вилоятининг Куйичирчиқ ҳамда Оққўрғон тумани фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, таълим муассасаларининг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари иштирок этди.

Тадбир ўзаро мулоқот, савол-жавоб шаклида бўлиб, иштирокчилар оилаларнинг маънавий қиёфаси, хотин-қизлар ва ёшларнинг одоб-ахлоқи, қайнона-келин муносабатлари, фарзанд тарбияси хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

– Вилоятимизнинг барча ҳудудларида, хусусан Куйичирчиқ ва Оққўрғон туманларида ҳам оилалардаги иқтисодий, ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган, – дейди Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва. – Фарзандларни соғлом фикрли, билимли ва маърифатли қилиб вояга етказишда оиладаги муҳит алоҳида аҳамиятга эга. Маҳаллалар қошида ташкил этилган «Ота-оналар университети» ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига доир ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Зеро,

ҳозирги мураккаб замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлардан асраш, оилаларда соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш маҳалла фаоллари, маънавий-маърифий ишлар бўйича комиссиялар аъзолари ва маслаҳатчилар зиммасига катта масъулият ўқлайди. Аҳоли, айниқса, ёшлар

ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни турли зарарли таъсирлар, «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш

ҳар биримизнинг зиммамиздаги вазифадир. Президентимиз ҳар бир чиқишида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратаётгани бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаб, қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни янада кучайтириш йўлидаги ишларимизни юқори босқичга кўтаришимиз зарурлигидан далолат беради. Оиладаги маънавий муҳитнинг соғломлиги эса бу ишларнинг бош омили бўлиб қолаверади. Уйма-уй юриб ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги куннинг энг долзарб муаммолари ҳисобланган оилавий ажримлар кўпроқ қайнона-келин муносабатларидаги зиддиятлар, ёш келинларнинг сабрсизлиги ва катталарнинг қизиққонлиги сабабли юзага келмоқда. Улар ўртасида маънавий-маърифий тарғиботни кучайтиришимиз зарур.

Сўзга чиққанлар ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фарзандларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш учун аввало оилада ота макomini юксалтириш, оила аъзоларининг ҳар бирига ўз бурчи ва вазифаларини англаштириш зарурлигини таъкидлади.

Ўз муҳбиримиз

ҲАРБИЙЛАР ҲАР
ЖАБҲАДА ФАОЛ

Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат марказида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Намунали ҳарбийлар оиласи» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ватан тинчлиги ва оқошталлиги йўлида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўзаро бирдамлик ва аҳилликни йўлга қўйиш, ибратли оилалар турмуш тарзини кўрсатиш, фарзандлар тарбиясини тўғри йўлга қўйиш мақсадларига қаратилган кўрик-танловда ҳарбий округ ва унга тенг бўлган жиравалар миқёсида голибликни қўлга киритган жамоалар иштирок этди.

Кўрик-танловда жамоалар тўрт шарт бўйича беллашдилар. Бадий чиқишлар шартда барча иштирокчилар ўзларининг зукко ва билимдонлигини намоийиш этишган бўлса, ичкиликбозлик, эрта турмуш куришининг аянчли оқибатлари кўрсатилган инқичин шартда Эш-жоновлар оиласи тайёрлаган қуришни барчага манзур бўлди.

«Билимдонлик баҳси»да маънавиятга қаратилаётган эътибор ўз аксини топди. «Карвинг санъати» шартда уй бекаларининг пазандалик борасидаги укуви баҳоланди.

– Этишловлар оиласи ҳарбий қисмиимизда голибликни қўлга киритгани, – дейди ҳарбий қисм оилалар билан ишлаш бошланғич ташкилоти раиси Дилрабо Кубакова. – Оиладаги маънавий муҳит, болалар тарбиясига қаратилаётган эътибор ҳавас қилишга арзийди. Танловда иштирок этган ҳар бир оиланинг иштироки барчада илқ таассурот қолдирди.

Беллашув сўнида голиб ва совриндорлар диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, иштирокчилар «Энг аҳил ҳарбий оила», «Энг қувнок ва зукко фарзандлар оиласи», «Энг пазанда оила», «Энг маърифатпарвар оила» номинациялари бўйича ҳам рағбатлантирилди.

Олим ЖУМАОБОВ

ЭЛГА ЭЛ БЎЛИШ БАХТИ

Орамиздаги одамлар

Чироқчи туманидаги Умакай, Хўжаобод, Наймансарой, Хаччали, Кўчқорбулоқ, Сарсонота ҳамда Шўркудук маҳалла фуқаролар йиғинларига қарашли ҳудудларда ўн тўрт ярим мингдан зиёд аҳоли яшайди. Ҳар бир қишлоқнинг ўзига яраша қувончу ташвишлари бор.

Асли Умакай қишлоғида туғилиб вояга етган педагог, таълим соҳасида узоқ вақт ишлаб келаётган Мирзамурод Жуманов 2015 йил 18-Шўркудук сайлов округидан туман кенгашига депутат бўлиб сайланди-ю, ўз ҳудудидаги ҳамюртларининг дарду-ташвишларига қулоқ тутиб, чигал ва мушкул масалаларни бартараф қилишга киришди. Дастлаб, ишни қишлоқдаги “Шовоз ота” қабристонини ободонлаштиришдан бошлади. Қабристон кенгайтирилди, атрофи темир панжара билан ўралди.

Самарқанддан Қаршига элтувчи катта йўлдан Умакай қишлоғига бурилган 1,5 чакирим йўл қишда лой, ёзда тупроқ билан қопланар, кўчадан пиёда туғул от-уловда юриш ҳам мушкул эди. Шунингдек, Сарсон ота қишлоғидаги 1 километрлик йўл ҳам таъмирталаб эди. Мирзамурод ака маҳалла оқсоқоллари ва аҳоли билан кенгашиб, бу ишнинг ечимини топди. Йўллар таъмирланиб, асфальт ётқизилди.

– Қадим замонда ҳаммани бирдай кўз қарағида тутиб ардоқлайдиган оқсоқолдан сўрабдилар: “Ўзингиз яхши одамсиз, нега ёмонларни ҳам ҳимоянгизга оласиз?” Шунда у: “Мен учун элимнинг яхши ёмони йўқ. Ора-сирада ёмонотлик бўлиб қолган кимса ҳам, менинг ўз ёмоним. Шу одам ҳам бир кун келиб ёмон кунимга ярайди. Ҳеч

бўлмаса тобутимни кўтаради”, деб жавоб берган экан. Ён-веримиздаги одамлар, ҳамюртларимиз, ҳамқишлоқларимизнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиш, бошига иш тушганда ёнида туриш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир. Ҳамюртларимнинг ҳамма хатлиги, ахиллиги туфайли мана шундай хайрли ишларни амалга оширяймиз. Элга эл бўлганларнинг ҳаёти фаровон, юрак йўллари ободдир, – дейди Мирзамурод ака Жуманов.

У раҳбарлик қилаётган 143-умумий ўрта таълим мактабида ҳам жорий йил капитал таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. 220 нафар ўғил-қиз таҳсил олаётган мазкур мактабда аъло баҳоларга ўқийдиган ўқувчилар кўпчилигини ташкил этади. Туман миқёсида ўтказилаётган билимлар беллашувида, спорт мусобақаларида, айниқса кураш баҳсларида мактаб тарбияланувчиларининг юқори ўринларни эгаллаётгани ҳам бор гап. Чироқчи туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мутахас-

сисларининг мактаб ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўтказаятган методик ўқув-семинарлари таълим самарадорлигини ошишига хизмат қилмоқда.

Айни пайтда ишлар янада қизгин. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида маҳалла раислари, ички ишлар нозирлари ва бошқа мутасадди ташкилот ходим-

ичимлик суви сероб бўлишига бошқош бўлган фидойи инсонлардан барча бирдек миннатдор бўлиши ҳақиқат. Очиқ чехрали, юзида ҳамisha табассум билан юрадиган, истараси иссиқ Мирзамурод акани тадбирли оила бошлиғи, меҳрибон ота сифатида кўни-кўшнилари қадрлайди. Олти фарзандни оқ ювиб, оқ тараб, ўқимишли, эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялади. Фуқороларнинг



лари билан ҳамкорликда ҳар бир хонадонда бўлиб, одамлар дардини эшитиб, муаммоларни қишлоқнинг ўзида ҳал этиш, оилаларнинг бўш турган ерларидан унумли фойдаланиб, деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик сингари рўзгорга наф келтириши мумкин бўлган ишларга ундаш мақсадида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўз умрини эл-юрт хизматиға бағишлаган ўз қишлоғига йўл ва кўприк қурдирган, қудук қаздириб

хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, таълим-тарбия ва спортни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш борасида ҳам жонқуярлардан бири.

Туғилиб ўсган қишлоғи аҳлининг турмуш тарзи яхшилаётгани, кўча ва хиёбонлари обод этилаётганида Мирзамурод ака Жумановнинг катта ҳиссаси бор. Бундай фидойи инсонлар эл қорига камарбасталик завқини ҳамма нарсдан устун қўядилар.

Илҳом РАҲМОНОВ

“ЯНГИ ДАВР” ОДАМЛАРИ



Яшнобод туманидаги “Янги давр” маҳалласига кираверишда, кўчанинг икки чеккасида саф тортган ям-яшил арчалар кўзни қувнатди. Замонавий маҳалла гузаригада бир пиёла чой устида гурунглашайтган нуроний отахонлар бугунги кунларга шукрона айтадилар.

9 май – Хотира ва қадрлаш кунига гузарда 120 нафар меҳнат фахрийси, қариялар учун байрам дастурхони ёзилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳомийлар томонидан байрам совғалари тарқатилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳром Худоёров, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Шоҳсанам Йўлдошева, профилактика ишлари бўйича нозир Шамсиддин Расулов, маънавий-маъри-

фий ишлар бўйича комиссия раиси, маҳалла юристи Маъмуржон Болтабоев, нуронийлар билан ишлаш бўйича раис муовини Қорабой Тожиёв ҳамроҳлигида маҳаллани уйма-уй юриб айландик. Фарғона йўли 3-берк кўчаси, 81-хонадонда истиқомат қилувчи Гўзал Саидова уй-жой масаласида ёрдам сўраб маҳалла идорасига чиққан экан. Айтишча, 4 сотихлик ҳовлида қайнонаси, қайноғаси ва унинг оиласи, ўзининг оиласи – эри, 2 нафар фарзанди ҳамда ҳали оила қурмаган икки нафар қайнукаси, бир қайинсинглиси яшашаркан. Гўзал Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига ушбу муаммо юзасидан мурожаат этибди. Унга йўлланган жавоб хатида ушбу иш бўйича туман ҳокимиятига мурожаат қилиши ва имтиёзли кредит асосида уй-жойга эга бўлиши мумкинлиги маълум қилинган.

Оқдарё 1-берк кўчаси, 3-уйда яшовчи Мавлуда Жалиловнинг умр йўлдоши юрак хуружи туфайли эрта оламдан ўтган. Фарзандларининг бири коллежда, бири мактабда ўқийди. Кам таъминланган оила. Ўзи ногирон. Болалигида қаттиқ руҳий зарба олиб, оёғи оқсайдиган бўлиб қолган. Ишга лаёқатсиз. Маҳалла оқсоқоли ҳамда 27-оилавий поликлиника патронаж шифокор ва ҳамширалари биргаликда касалхонага даволанишга ётишига кўмаклашди, ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам бериб туришади. Шу йили Мавлуданинг оёғи қайрилиб кетиб, ши-

Уйма-уй юриб...

кастланибди. Бундан хабар топган маҳалла раиси Баҳром ака зудлик билан унинг уйига етиб келиб, маҳалла ҳудудидаги оилавий поликлиникага олиб бориб, оёғини гипс қилдириган. Сўнгра, касалхонага даволанишга ётқизган.

Оқдарё кўчаси, 3-уйга кириб бордик. Бу ерда 94 ёшли Муҳаррам ая Мақсудхўжаева ёлғиз ўғли Жалолхон Дадахонов билан яшайди. Келини Матлуба Дадахонова қайнонасини оппоқ пахтадек озода, покча қилиб қарайди, эъзозлайди. Уч қизни олий маълумотли қилиб, чиройли тарбиялаб, яхши жойларга узатган аянинг 7 нафар эвараси бор. Онахон илгари хўжаликда ҳисобчи бўлиб, кейинчалик савдо соҳасида ишладилар. Фронт орти меҳнат фахрийси. Поликлиника патронаж шифокор ва ҳамширалари назоратида. Байрамларда маҳалла идораси томонидан совға-саломлар олиб турадилар. Кўринишлари ҳали тетик.

Оқдарё кўчаси 66-уйда яшайдиган Ҳамидулла Тўлаганов “Ўзсаноатқурилишбанк”дан кредит олиш мақсадида маҳалла идорасига мурожаат қилган. Ҳозирда оилавий тардбиркорликни йўлга қўйиш ишлари қизгин кетмоқда.

Маҳалла ҳудудида 156-, 170-, 216-мактаблар мавжуд. 129-, 416-мактабга таълим муассасалари бор. Ушбу маҳаллада яшовчи болақонлар шу мактаб ва боғчаларда тарбияланадилар.

Маҳаллада муаммолар ҳам йўқ эмас. Уларни ҳал этиш учун маҳалла идораси вакиллари, фаоллари ҳамжиҳатликда иш олиб боришмоқда. Бу ерда фаолият юритаётганларда “Менинг иш вақтим тугади”, деган уй-фикр йўқ. Гоҳида ярим тунгача ишлашга тўри келади. Шунинг учун ҳам маҳалла обод, аҳолиси ҳамжиҳат.

Лафолат САЪДУЛЛАЕВА,
“Оила ва жамият” мухбири

Ҳалима Худойбердиева, Ўзбекистон халқ шоири:

Тўмариснинг туморин Таққан аёл ўлмайди!



Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева адабиётимиз равнақи йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлоднинг маънавий салоҳиятини юксалтиришдаги муносиб ҳиссаси, мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фармонида биноан «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида севимли шоирамиз таваллудининг 70 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди ва Ҳалима Худойбердиевага юксак мукофот топширилди. Адабиёт ва санъат намояндалари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар ҳамда адабиёт ихлосмандлари иштирок этган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар халқимизнинг севимли шоирасига берилган бу юксак мукофот, адабиётимизга ҳамда мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эъзозу эътиборнинг ёрқин намунаси эканини алоҳида таъкидлади.

УНУТМАНГ

Елкам халқим елкасига тегиб турмоғи учун,
Бошим халқим кўлкасига эгиб турмоғим учун,
Унга қарши нима келса ениб турмоғим учун,
Мендан қай иш лозим бўлса,
Барчасига тайёрман!

Сарғайма гўдакларини соғаймоқлари учун,
Оқибат суст тортаётган эл-аймоқлари учун,
Ҳали кетиб улгурмаган кўнгил доғлари учун,
Мендан қай иш лозим бўлса,
Барчасига тайёрман!

Дардига малҳам бўлайин, хотирин кучлантирай,
Ҳар фарзандини ичга тортайин, ичлантирай,
Ҳар фарзандини юртга боғлайин, бурчлантирай,
Мендан қай иш лозим бўлса,
Барчасига тайёрман!

Жужуқларга айтгим келар, қаёнларни кўзлайсиз,
Оҳ, зоҳирга ўч болам, сиз аёнларни кўзлайсиз.
Аммо бу юрт сирли юртдир,
Сизам сирли бир найсиз.
Мендан қай иш лозим бўлса,
Барчасига тайёрман!

Сиз қуёшсиз, баландланг-у, ботар ерни унутманг,
Илдиздансиз, тагин илдиз отар ерни унутманг.
Туркистондай қайтиб келиб, ётар ерни унутманг,
Мендан қай иш лозим бўлса,
Барчасига тайёрман!

Тўмариснинг Тумори

Ўтаётган онамнинг соч нурига ёздим мен,
Ўсаётган қизимнинг шурига ёздим мен,
Юрагимнинг энг ичкин, энг тўрига ёздим мен,
Тўмариснинг туморин таққан аёл ўлмайди!

Гарчи бугун чарчаган, гарчи бугун ҳорғиндир,
Кўкка ўрлаб кишнамас, оёқлари озғиндир,
Лёк, ёллари ўшандай оловли бир ёлқиндир,
Тўмариснинг отини боққан аёл ўлмайди!

Мен унинг туморини жонимга тумор этдим,
Тиниб, қизиб, оқарим — қонимга тумор этдим,
Кўнгил отлиғ шоҳимга, хонимга тумор этдим,
Тўмарисдек осмонда балққан аёл ўлмайди!

Туморларки аслида, ҳар тирик ҳужайрада,
Бери Ҳиротда ётур, ётур Балхда, Сайрамда,
Умр асли бир зумда ўтадиган байрам-да,
Тўмариснинг чирогин ёққан аёл ўлмайди!

Ғаним боши қонда ғарқ, У энди келмас қайтиб,
Бораверар бу элни шундай мардлик улғайтиб,
Жони чиқарида ҳам Ватан сўзини айтиб,
Тўмарисдек оёққа қалққан аёл ўлмайди!
Тўмариснинг туморин таққан аёл ўлмайди!

Йўлдадирман

Йигирма йил ўтди интизорликда.
Андрей Вознесенский

Сиз кутасиз. Менам бораман.
Учиб бородурман худди ўқ.
Фақат олдин хат юбораман
Ўша хатни ёзганимча йўқ.

Кўнгил ичра тўкиб борини,
Бир йил, ўн йил ўтди, бу кўпми?
Айрилиқнинг алафзорини
Биргалашиб ўрамыз, хўпми?

Йигирма йил, ўттиз йил ўтди,
Кўзингизга малол инмасми?
Ўттиз йиллаб ғовлаган ўтни,
Ўрар чоғи чалғи синмасми?!

Қирқ йил ўтди, мен тез бораман,
Ранжимангиз, гувоҳ еру кўк!
Фақат... олдин хат юбораман,
Хатни... ҳали ёзганим йўқ.

Учиб бородурман худди ўқ,
Бу ҳолатни қандай шарҳлайман.
Борган сари ўрмонзор куюқ —
Мен қуйиниб чалғи чархлайман.
Сиз кутасиз. Менам бораман.

Билмаслар

Кўрдим қишлоқ, гўзал шаҳарлар кўрдим,
Оҳорлари кетиб борар, билмаслар.
Жамалаксоч парипайкарлар кўрдим,
Баҳорлари кетиб борар, билмаслар.

Тугмак бўлса етмас белбоғ учлари,
Дунё молин маҳкам тишлар тишлари —
Боғларининг ширинзабон қушлари —
Олқорлари кетиб борар, билмаслар.

Отлари-я, қорабайир отлари
Гижинглайди, деб ўйласам, додлади.
Ёли бўрон бўлганлигин ёдлади —
Шунқорлари кетиб борар билмаслар.

Кузатиб бу дунёнинг ўр-қирини,
Билмай қолдим келмак, кетмак сирини.
Ёлғон ёрлар ялашиб бир-бирини,
Чин ёрлари кетиб борар, билмаслар.

Чарсиллаган бир ўт ёнар ичимда,
Мен шеър айтсам, айтмадим тил учинда.
Бу талатўп, қув-қув, чоп-чоп ичинда,
Ҳалима ҳам ўтиб борар, билмаслар.

Аёл ўтиб борар

Сен сўрама, мен ҳам айтмайин,
Курагимни синганини қарс.
Шовқин солма, мен уйғотмайин,
Юрагимда ётар бир йўлбарс.

Баланд бир ўт ёнган ичимни,
Мен совутиб яшашим керак.
Ўз-ўзимга сарфлаб кучимни,
Мен овутиб яшашим керак.

Аёл ўтиб борар, шўх юриб,
Шамолларда соч ёйган аёл.
Ич-ичида йўлбарс ўкириб,
Сиртдан майин жилмайган аёл!

Яшашим учун...

Биза дийдор керак, дунё керакмас...
Юнус Эмро

Ўзимни билмасмен, хасманми, хормен,
Менга дийдор керак, яшашим учун.
Мен-ку бир дийдорга зор, интизормен,
Менга ҳам зор керак, яшашим учун.

Бошимдан ўтмоқда кенлигу танглиғ,
Билмам нечта бўлди, кўксимдаги тиг,
Сув бўлсам... эзилган мажнунтол янглиғ,
Бир дарди бор керак, яшашим учун.

Билмайман, шеърми, не битиб бораман,
Билганим, лаҳча чўғ ютиб бораман,
Алангаман, ёниб ўтиб бораман,
Қор керак, қор керак, яшашим учун.

Иссиқ дийдор керак яшашим учун...

Гоҳ сархушман, гоҳ юзим сарғайтиб кетаман,
Бир муҳлатга келгандирман, қайтиб кетаман.
Олиш ё олмаслик Сизнинг ишингиз,
Мен ўз айтирими айтиб кетаман.

Оғринаман, бировлар учиб кетиб боради,
Қушдайин шохдан-шоҳга кўчиб кетиб боради.
Ҳар бири бир уммон-у, кечиб, ичиб кўрмасдан,
Шошилиб, бир-биридан кечиб, кетиб боради.

Кузатаман, кексайиб, толиб борар йўлчилар,
Йўлларни айру-айру солиб борар йўлчилар.
Ажаб, сўнги кунгача титраб-қақшаб, кўкариб,
Бир-бирин яқосидан олиб борар йўлчилар.

Оллоҳ берди, тоғлар тикладим сўздан,
Урф бўлдим. Чақмоқдай чақнадим. Ўздим.
Олдингилар олдин маҳв этиларкан,
Бетўхтов кийилган кийимдек тўздим.

Аждодимдан Тўмарис чиққанлиги чин,
Шунданми сирдошим қилич, қалқон, қин.
Гоҳ шаккок ўй келар: авлодларимга,
Менинг чиққанам ҳам сезилдимикин?

ҲОФИЗ ВА «МУҲРДОР» ҚИССАСИ

Мамлакатимизда адабиётимиз, санъатимиз дарғалари хотирасини абадийлаштиришга, уларнинг бой маданий меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг хо-размликлар билан учрашувида 2017 йилда Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш, машҳур ҳофиз номи билан аталадиган замонавий ижод маркази ва унинг таркибида гўзал боғ ташкил этиш ҳақидаги тақлифи санъатсевар халқимизни беҳад қувонтирди.



Бетақдор кўшиқлари билан миллий маданий меросимиздан муносиб ўрин эгаллаган Комилжон Отаниёзов барчага ўрнатилган ибратли умр кечирди. Ҳофизнинг ҳаёт йўли ҳақида рафиқаси Имсимой опа (охирати обод бўлсин) шундай ҳикоя қилгандайлар:

– Тақдир экан, умримни Комилжон ака билан ўтказдим. Бир элатда ўсганмиз. Ёшлигимиз Шовот туманининг Қибла томонида, уларники эса Шовот қана-ли этагида эди. Комилжон аканинг отаси Отаниёз охун Ниёзий газаллар ёзарди. Ҳофизнинг ўзи эса 12 ёшигача ованинг (қишлоқ) молини боқди. Онам ҳар сафар сигирни подага кўшар экан: “Кувё бола, яхши тўйдиргин-а”, дея Комилжон акага ҳазил қиларди. У эса бундан аччиқланаркан. Ҳатто бир кун ойисига: “Полвон акалар молини боқмайман, хотини кувё бола деяверади”, дебди. Бу сўз бир тарафдан менга ҳам нуқулай эшитилар эди-ю, ҳар қалай қорапаранг, жингалак соч, кўзлари ёниб турган, меҳнатсевар бо-лага ҳурматим катта эди. Иккимиз ҳам жуда ёш етим қолдик. Комилжон ака шу яқин орадаги интернатда тарбияланди.

Раҳматлик ойимнинг ўша ҳазил-мутуйибалари боисми, ҳар қалай ҳаётимиз ўзаро боғлиқ қолди. Комилжон ака 17 ёшдан ўқитувчилик қила бошлади. Икки йилдан кейин концерт бригадасида ижодий сафарлари бошланди.

1939 йилда оила кўрдик. Яна бир ёқимли гапни ҳам қўшиб қўяй, устоз Шерозий никоҳ кечамизга келиб файз киритган эдилар.

Ҳаётимиз ахиллик, ҳамжиҳатлик билан бошланган. Рўзгор ишларининг ҳаммасига улгурардим. Хонадонимиздан меҳмон аримасди. Комилжон ака концертлардан деярли ҳар кеч меҳмонлар билан кириб келарди. Чарчаган бўлсалар ҳам улар билан анча вақт гурунглашишга вақт топарди. Қўли очик, ўта саҳий эди. Топганини олиб қўядиган одати йўқ эди. Баъзан эртанинг ғамини ёмоқчи бўлсам: “Кампир, пул йиғма. Ким йиғса, биров учун йиғади. Борини харжлайвер. Барибир насиб қилганини кийиб, ейсан”, дерди.

Дунёнинг ҳашамига қизиқмасди. Шу одатини менга ҳам юқтирди. Тўғри, у вақтлардаги қийинчиликни битта биз эмас, эл кўрди. Хивага кўчиб кетганимиздан сўнг уйда ўтириб қолдим. Қизчамиз туғилганда Комилжон ака жуда қувонган, унга Дилором деб исм қўйганди. *Қатор-қатор қарвон билан нор галди, Қарвон билан оптин жиповдор галди...*

қўшиғига қизалоғимиз шунақа чиройли ўйнарди... Беш ёшида ундан айрилдик. Комилжон Отаниёзов кулфатга бардошли одам эди. Аммо, ўшанда у қаттиқ ғуссага ботди. Лекин булар дард эмас, қийинчилик ҳам эмас. Ота-онанинг фарзандидан ажралишини тасаввур этиб кўринг. Бу тугамас кайғу эди. Ҳаммаси ўтаркан-у, бироқ фарзанд доғини юракдан кетказиб бўлмас экан. У мумтоз адабиёт наму-

наларини ёқтирар, айниқса, Навоийни, Махтумқулини, Огаҳийни, Машрабни, умуман эски китобларни кўп ўқир эди. Комилжон ака ярим кечада ҳам қўлига қоғоз-қалам ва тор олиб ижод қиларди. Эртасига барвақт туриб: “кампир, эшит”, дея янги шеърини ўқиб ёки басталанган созини чалиб берарди. Мен эса одатдагидай “яхши чиқибди”, дердим ва кўпроқ ижод қилишларини истардим.

Комилжон ака умрининг йигирма йилини беморликда ўтказиб, тўртта операциядан омон қолди. Касал бўлганларидан кейин беш кунда келадиган ошнолари ўн кунда, ойда бир-икки марта хабар оладиган бўлдилар, сўнгра бутунлай қадам босмай қўйдилар. Шунда мен: “Ҳеч кимдан ёрдамнингизни аямадингиз, сиз туфайли қанчадан-қанчаси оёққа турди. Яхшилик қилганликларингиз ҳолингиздан хабар олишгаям ярамади”, деганимда, Комилжон ака: “Бу гапни қайта айтма. Халқ беҳиж: “Билса холис, билмаса холик”, демаган. Холис яхшилик қилиш керак. Шундагина у бировдан қайтади. Мен ҳеч кимга таъма билан яхшилик қилган эмасман”, дедилар.

Комилжон ака ноумидликни ёмон кўрарди. У табиатан ғам-дардни фахмлайдиган кишиларни қадрларди. Уларнинг суҳбатларини кўсарди. Бундай пайтларда у ҳам ёлғизлик, ҳам оғриқ азобларидан қийналар, дунё кўзига тор бўлиб кўринарди. Аммо бари бир умрини ҳалол меҳнатга сарфлаб, яхши из қолдириб кетиш керак, дерди. Сўзларига амал қилиб, ҳатто хасталигида ҳам тинимсиз ишлади. Халқига хизмат қилиш Комилжон аканинг яшайдан кўзлаган асосий мақсадига айланганди.

Комилжон ака оламдан ўтгач, май ойида Жўрабек Муродов Комилжон ака ётган Иморатбобо қабристонига бориб, гулжум кўнати ўтқазди. Шу ерда у менга: “Сиз бахтли аёлсиз, санъаткор билан яшаш аёл учун оғир. Айниқса, Комилжон ака билан”, деди.

Тўғри, лекин ҳар қандай оилада ҳам аёл учун босиқлик керак. Гарчи андишанинг оти қўрқоқ бўлса ҳам – андиша керак. Тил ҳаммада бор, ёмонлик ҳамманинг ҳам қўлидан келади. Комилжон ака бир қўшиғида “Сабр керак балосига, ризо керак қазосига”, деб бекорга айтмаган. Оиладаги қийинчиликларни сабр билан енгса бўлади, аммо ажалга қарши туриб бўлмайди. Комилжон ака эрта кетди, лекин у ҳар кун менга: “Кампир, ёнингдаман”, деяётгандай.

Бор кучини, ҳаётини халқига сарфлаб, умрининг охиригача унинг хизматида турган. Нафақат санъатда, балки одамгарчиликда ҳам катта шахс бўлгани сабабли уни кўрган-билган кишилар бир хил сўзни тақрорлайди: У борган ерларда ўзгача файз бўларди.

Бу беҳуда гапмас. Хонадонга нур келтирганлар ҳақида шундай дейилган. Эл азалий урф-одатларга кўра, бундай кишиларнинг оёқлари остида поёндоз тўшаган, отлар сўйган. Халқнинг қадимги руҳини кўшиқларга сингдириб куйлаган Комилжон Отаниёзов ҳам кўп жойларда худди шундай кутиб олинган.

Эл хизмати Комилжон акага куч берса берардики, асло чарчатмасди. Ундаги кўшиққа бўлган меҳрни, завқни кўриб ҳайрон қолардим. Комилжон ака тўпланганларни кўп ҳам куттирмай, соатлаб кўшиқ айтарди. Ўз сўзи билан айтганда, унинг орзуларидан бири: “Одамларни кўшиққа тўйдирин” эди.

Концертларга кўп борардим. Комилжон ака ашулаларини тақрор-тақрор эшитганим учунми ҳар қалай ҳаёлим халқда, мухлисларда бўларди. Дастлабки пайтлар биринчи қаторларда ўтирардим, кейинчалик ўрта қаторларда ўтиришни одат қилдим. Томошабинлардан ҳамisha ҳам ҳофизга ҳурмат, садоқат, ҳамдардлик ифодаси уфуриб турган сўзларни эшитардим. Тошкентдаги “Юбилейний” спорт саройида концерт берганида касалга чалинган вақтлари эди. Мен: “Эҳтимол саҳнага чиқмай кўя қоларсиз”, дедим. Шунда у: “Йўқ, кампир, менинг саҳнада кўринмаган, халқдан айро тушган куним ўлим билан тенг”, деди. Саҳна кичик. Зал гавжум. Концерт бошланди. Саросимага тушардим. Одамларнинг мана бу сўзлари қулогимга чалинди:



“Асли Хизр кўрган одам”, “Армони йўқ санъаткор”, “Тошкентда ҳам ҳовлилари бормикан?” ва ҳоказо...

Оилада онда-сонда араزلар ҳам бўлиб турарди. Лекин узоққа чўзилмасди. Ростини, аразлашиш онлари учун вақт ҳам, имкон ҳам деярли йўқ эди. Ҳофиз ниҳоятда банд бўларди. Кўп мутолаа қиларди, мусиқа басталарди, шеър тўқирди, меҳмон кутарди, тўймаъракаларга борарди. Сафарларда кўпинча бирга бўларди. У киши режали иш қилишга одатланган эди, парҳез билан овқатланишни яхши кўрарди. Мени кўпича “Муҳрдорим”, деб айтарди.

Болғарияга дам олишга борганимизда жомадонга иккига ажраладиган торни солиб олди. Сабабини сўрасам, кейин биласан, деди. У ерда гуржи, турк созандалари билан топишиб, дам олувчиларга концерт берди.

Ҳиндистонга ижодий сафар уюштирилганда Комилжон Отаниёзовни кўшишга баъзилар қарши чикди. Мусиқа санъати раванқини кўрсатувчи эстрада, вокал кўшиқларига ўрин бериш тўғри эмиш. Комилжон Отаниёзов бу сафарга жуда яхши тайёргарлик кўрди. “Салом, Ҳинд халқига” деб бошланувчи кўшиқ муаллифи ҳам ўзлари эди. Сафарда катта ҳурмат қозонди. Ашхобода ижодий сафарга боришганида туркманлар у кишининг кўшиқларини қарсақлар билан кутиб олдилар.

Имсимой опа узок сўзладилар. Тинглаш асносида шунга амин бўлдимки, Комилжон Отаниёзов саҳнада ҳам, оилада ҳам, дўстлари ва шоғирдлари даврасида ҳам самимий ва дилкашлиги билан ҳурмат қозонган инсон экан. Унинг оиласига, мухлисларига, санъатга, яъни саҳнага бўлган муносабати кўпчиликка ибрат бўлиши тайиндир.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
филология фанлари номзоди

Қарз муаммоси туфайли одамларнинг муносабатлари таранглашади. Хотиржамликка пултур етади. Бугунги кунда қарздорлик ҳисси билан яшаётганлар орамизда анчагина. Бир савдогар умумий қарзи олтмиш миллион сўм эканини айтиб қолди. Мактабда фаррош бўлиб ишлагандан аёлниң эса дугоналаридан бир миллион сўм қарзи бор экан...

Хўш, одамларни қарз олишга нима мажбур қилмоқда? Бу ҳақда мутахассислар билан фикрлашамиз.



Бугуннинг гапи

қарз олса, Аллоҳ унга қарзини узишга ёрдам беради. Кимки молига талофат етказиш мақсадида олса, Аллоҳ унинг ўзига талофат етказадиган. "Бадавлат кишининг (бировдан қарз олиб, унинг қарзини беришда вақтини) чўзиб юриши зулмдир. (Имом Бухорий ривояти)

Бугунги кунда молиявий муомалаларга оид бунча муҳим ишлар нотариал идоралар томонидан гувоҳлар ҳузурда ёзиб, расмийлаштирилсагина қонуний кучга эга бўлади. Бу қоида бундан ўн беш аср олдин Қуръони Каримда гузал ва мукамал тарзда, баён қилинган:

ҚАРЗ ДАН ҚАНДАЙ ҚУТУЛИШ МУМКИН?

ПУЛ-КУ ТОПИЛАР, ИШОНЧ-ЧИ?

– Қизим Мадинанинг ташвишини ўйлаб, кўзимда нур қолмади, – дейди тошкентлик 70 ёшли Сожида ая. – Ўзи икки фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи "Матиз" машинасида киракашлик қилиб, тирикчилигини ўтказиб юрганди. Қизим бунга қаноат қилмай, дугонасининг: "Биринчи қаватда турасан, эшигинг олдига дўкон очиб, майда-чуйда сотсанг, ҳар кунлик даромадинг рўзгорингга етади", деган маслаҳати билан аввалига ширинликлар келтириб, сотиб юрди. Кейин савдосини кенгайтириш мақсадида судхўрдан 3 минг АҚШ доллари олибди. Паспорт нухасининг орқасига: "Қарзимни фоизи билан қайтараман", деб тилхат ёзиб берибди. Шундан сўнг ноқонуний йўллар билан спиртли ичимликлар сота бошлабди. Мутасадди ташкилотлар ходимлари бундан хабар топиб, ҳужжатсиз ишлаётгани учун дўконни ёпиб қўйишди. Бу орада долларнинг нархи ошди. Қизим билан куёвим қарз фоизини вақтида беролмагач, судхўр жанжал кўтариб келди. "Матиз" автомашинасини сотиб, асосий қарзларини қайтаришди-ю, фоизини узишолмади.

Машина сотилгач, куёвим ишсиз қолиб, уйнинг коммунал тўловларини ҳам тўлашолмаган. Натижада электр, газ, иссиқ сувнинг ўзидан қарзлари 3 миллион сўмга айланган. Қарз устига қарзга ботавергач, эр-хотин ўртасида ҳар кун ириш-жанжал бўлиб, қизим саломатлигини йўқотди. Устига-устак эр-хотин аламини болаларидан олишди, денг. Қизимни уйимга олиб келиб даволатдим. Жанжалкаш хотиндан безор бўлган куёвим эридан ажрашган бир аёл билан яшаб юрибди. Қарз ҳам қопланиб кетар, аммо эр-хотин ўртасидаги ишончни яна тиклаб бўлармикан?

ДАБДАБАЛИ УЙ МОЖАРОГА БОШЛАДИ

– Маҳалламизда ўзига тўқ одамлар яшайди. Уйлари ҳам обрўларига яраша, замонавий, дабдабали, – дея ҳикоя қилади, андижонлик Собира исмли аёл. – Биз ҳам қўшнилاردан қолишмаслик учун яшаб турган уйимизни бузиб, икки қаватли иморат бошлаб юбордик. Болалар уйни қачон битирамиз деявергач, хусусий банкдан нақд пул олиб, кам-кўстимизга ишлатдик. Укамнинг "Нексия"сини гаровга қўйдик. Аввалига қарзимизни белгиланган миқдорда қайтариб турдик, аммо икки-уч ойдан сўнг пулни тўлашга имкониятимиз етмай қолди. Суд орқали укамнинг машинаси олиб қўйилди. Банк ходимлари машинани сотиб, берган пулни олиб қолганини қайтариш ҳақида огоҳлантиришди. Банк билан ўрташимизда тузилган шартномада бу

ҳақда огоҳлантирилгани учун қаршилик кўрсата олмадик. Ҳақиқий жанжал энди бошланди. Укамнинг хотини ажрашишга қарор қилибди. Бу муаммага ечим топишга ҳайронман.

ОРЗУ-ҲАВАС ЎЗ ЙЎЛИГА

Маҳбуба МИРАҲМЕДОВА, Тошкент шаҳар оила маркази директор ўринбосари, оилашунос:

– Биз қайнона-келин, она-бола, ота ёки ўғил ўртасидаги келишмовчилик, низоларнинг сабабини ўрганамиз. Кўпинча маиший масалаларни ҳал этиш учун олинган қарз катта муаммоларни келтириб чиқараётганига гувоҳ бўламеиз. Аёл қаергадир тўй ёки гап-гаштакка бормоқчи бўлса, албатта, янги кўйлак, унга мос оёқ кийим, зеб-зийнат ва пардоз учун маблағ зарур. Кийими камлигидан, борларини ҳам бошқалар кўргани-ю, модадан қолганидан нолийдиганлар йўқ эмас. Унинг дийдиёсидан зериккан баъзи эрақлар билганининг қил, деб, қутулса, айримлар қарз олиб тутилишади. Инсон ўз имкониятига қараб орзу-ҳавасга берилиши керак.

Тўй-маъракаларни ихчам қилиб ўтказиш масаласида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Аммо натижа қониқарли эмас. Тўйхоналарга борсангиз, у ердаги техника, видеотасма, фотоаппарат кўтарган йигитларни, кўзни ўйнатадиган чироқларни кўриб, кино тасвирга олиш майдонига тушиб қолдимми, деб ўйлайсиз. Битта одамнинг жойи 100000 сўм бўлган, беш-олти юз ўринга эга тўйхоналарда ўтапти бугунги никоҳ кечалари.

Яқинда тўйдаги суратларни монтаж қиладиган йигит билан суҳбатлашиб қолдим. Тўй эгаси суратлар ҳамда видеотасма учун буюртма берган экан. Видеотасма тайёр бўлгунча бир ой ўтибди. Йигит куёвга кўнғироқ қилиб, буюртмаси тайёр бўлганини айтганида, у бу нарсалар энди керак эмаслигини, хотини билан ажрашганини айтибди.

Ота-боболаримиз ҳам чиройли тўйлар қилишган. Аммо улар бахтни турли кўринишдаги суратлару, видеодисклар ёки тўйхоналарда деб билишмаган. Тўй қиламан, деб қарзга ботишмаган. Шунинг учун улар қўша қариш бахтига муяссар бўлишган.

ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТЛАРИ БОР-КУ

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, иқтисод фанлари доктори, профессор: – Қарз олди-бердиси ҳар кимнинг шахсий иши. Қарзни юридик шахс

ҳам, жисмоний шахс ҳам бериши мумкин. Аммо аҳоли ўртасидаги қарз олди-бердиларини мен унчалик оқлай олмаيمان. Чунки пулдор одам пул керак бўлган одамга қарз бераётганда, албатта, ўзининг талаб ва шартларини қўяди. Шартлари оғир, фоизи юқори, муддати жудаям қисқа. Қарз кўпайса кўпаядики, асло қамаймайди. Тўғри, иссиқ жон, инсон бошига мусибатлар тушганида эсанкираб,

"Орангизда бир котиб уни адолат билан ёзсин". Демак, қарз ҳақидаги тилхатни қарз бераётган одам ҳам, олаётган одам ҳам ёзмайди. Буни бетараф, холис одам – котиб ёзсин.

Пулни қадрсизланиши баҳонасида қарзни бир валютада бериб, бошқа валютада олишга келишиш эмас. Қарз берувчи инфляцияни эмас, бировнинг ҳолатини чиқариш, ёрдам беришни ўйлаши даркор.

ЖАНЖАЛ БИЛАН ҲАЛ БЎЛМАЙДИ

Одина ОТАЖОНОВА, психология фанлари номзоди, доцент:

– Айрим одамлар қарзни яна қарз олиш эвзига ёпишга одатланиб қолишади. Йўқ, бу йўл билан муаммони ҳал этиб бўлмайди. Бор маҳоратни ишга солиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш керак. Бундай пайтда кичкинагина томорқадан фойдаланиш ёки мол-қўй боқиш ҳам қарздан чиқишга имкон беради. Ёки ўзи танлаган соҳаси бўйича қўшимча ишлаш ҳам яхши усул.

Қарздор одам қарз берган кишидан қочиб, беркиниб юриши керак эмас. Аксинча, ўзининг харажатларини қамайитриб, оз-оздан бўлса ҳам қарзини узиб турса, ўша одамда ҳаракат қиляпти-ку, деган ишонч пайдо бўлади. Айрим одамлар қарз олиб, уни қайтармай, беҳудага сарфлаб юраверишади. Пул берган одамнинг дили оғрийд, кейинги сафар муҳтож бўлганида ундан ўзини олиб қочади.

Бир-бирини айблаш орқали қарз можароси ҳал бўлиб қолмайди. Шундоқ ҳам қарздор одам руҳий исканжада бўлади. Ўзаро келишиш, қўллаб-қувватлаш йўли билан бу вазиятни ижобий ҳал этиш мумкин. Кенгашиб қилинган ишда барака бўлади. Пул топиш осон, аммо уни қадрлаб, жой жойига сарфлаш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Бунга тежамкорлик билан эришилади.

Орамизда қарз бўлмасанг ишинг битмайди, пул йигиш қийин-да, дегувчилар ҳам бор. Тўғри, қарз олиб, ишимизни битирамиз. Аммо бу мақсад бизнинг хотиржамлигимиз ва соғлигимизни бой бериш эвзига бўлса-чи? Сиз нима дейсиз?

Нигора РАҲМОНОВА тайёрлади.



ЭЗГУЛИК, САХОВАТ, МЕХР-ШАФҚАТ РАМЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Рамазон рўзасини тутиш фақат кундузалари овқат ва ичимликдан тийилиш, нафс билан курашиш эмас, балки атрофдагиларга тил ва қўл билан озор бермаслик, мулоим ва хотиржам қалб билан шукрона келтириш, ғийбат, ҳасад, чақимчилик, товламачилик, фириб ва алдов каби ношойишта қилмишларни тарк этишни талаб қилади. Бу ойда фақат нафсимиз эмас, балки фикру ўйларимиз, амалларимиз ҳам покланмоғи лозим. Муборак Рамазон ойи хайрли амалларни бажариб, савобга эришиш учун ҳам қулай пайт экан, бундан унумли фойдаланиш керак.

Элда "Имкони борнинг имкони йўқдан қарзи бор", деган гап юради. Ибора замиридаги ҳикмат лунда – давлатманд, қўли узун инсонлар эҳтиёжманд, боқувчисиз қолганлар ҳолидан хабар олиши, моддий-маънавий ёрдам билан кўнгилларни обод этиши даркор. Бу амаллар самимий ва махфий бўлса нур устига аъло нур бўлади. Чунки ошқора қилинган саховатдан кўра, атрофдагиларга билдирмай қилинган моддий-маънавий ёрдам учун савобнинг ажри қомил бўлиши хусусида Илоҳий Ваъда бор. Бу борада Ҳазрат Навоий шундай дейди:

"Муруват барча бермақдур, емак йўқ Футувват барча қилмақдур, демак йўқ..."

Яъни: "Муруват ўзи емай, тоғганини бошқаларга бериш бўлса, футувват (жавонмардлик, олижаноблик) барчага яхшилик қилиб, бу ҳақда бировга оғиз очмаслиқдир".

Кўнгиллар обод бўлгучи муборак ойда ибодатларни мукамал адо этмоқлик ва фазилатли инсон даражасига эришмоқлик барчамизга насиб этсин. Ўртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, кўнгиллар хотиржам ва обод бўлсин. Муборак Рамазон ойда астойдил ихлос билан бошлаган солиҳ амалларимиз йил мобайнида ва албатта, умримиз давомида ҳамроҳимизга айлансин. Аллоҳ халқимизни, юртимизни паноҳида асраб, барчамизни яхшиликда жамласин ва эзгу амалларда бардавом қилсин!

Таҳририят

РАМАЗОН-2017

Рамазон кунлари	Май	Июль	Ҳафта кунлари	Сахарлик тугаши	Ифторлик вақти	Рамазон кунлари	Июль	Ҳафта кунлари	Сахарлик тугаши	Ифторлик вақти
1	27	Шанба	3:25	19:47	16	11	Якшанба	3:19	19:57	
2	28	Якшанба	3:24	19:48	17	12	Душанба	3:19	19:57	
3	29	Душанба	3:24	19:48	18	13	Сешанба	3:19	19:58	
4	30	Сешанба	3:23	19:49	19	14	Чоршанба	3:19	19:58	
5	31	Чоршанба	3:22	19:50	20	15	Пайшанба	3:19	19:59	
6	1	Пайшанба	3:22	19:51	21	16	Жума	3:19	19:59	
7	2	Жума	3:22	19:51	22	17	Шанба	3:19	19:59	
8	3	Шанба	3:21	19:52	23	18	Якшанба	3:19	20:00	
9	4	Якшанба	3:21	19:53	24	19	Душанба	3:19	20:00	
10	5	Душанба	3:20	19:53	25	20	Сешанба	3:19	20:00	
11	6	Сешанба	3:20	19:54	26	21	Чоршанба	3:20	20:01	
12	7	Чоршанба	3:20	19:55	27	22	Пайшанба	3:20	20:01	
13	8	Пайшанба	3:20	19:55	28	23	Жума	3:20	20:01	
14	9	Жума	3:19	19:56	29	24	Шанба	3:20	20:01	
15	10	Шанба	3:19	19:56	30	25	Якшанба	3:21	20:01	

Тошкентдан бошқа шаҳарлардаги вақтлар фарқи
АВВАЛ Чимкент-1, Конибодом-5, Андижон-12, Жамбул-7, Наманган-10, Фарғона-10, Қўқон-7, Уш-14, Жалолобод-15, Бишкек-21, Олма-ота-21

КЕЙИН: Бухоро+21, Гулистон+7, Денов+7, Жиззах+6, Навоий+19, Нукус+42, Самарқанд+9, Туркистон+4, Урганч+35, Хива+35, Қарши+11
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2017 йил 19 майдаги 3464-сонли руҳсати билан чоп этилди.

Ҳар бир инсоннинг умри бир китоб. Фақат у кимдадир мазмунларга йўғрилган, кимдадир зерикарли ва ҳатто аянчли воқеаларга бой. Ҳаёт китобини сермазмун этишни яратган Эгам бандасининг ўзига ҳавола қилиб қўйибди. Беҳуда орзу-ҳавас, бемаъни араз-гиналар жиловида ўтган умр увол-да...

Яқинда ҳамсуҳбат бўлганим – юзлари синиққан, беморлик анчайин қувватини олгани шундоққина кўришиб турган одамнинг илтимоси боис ушбуни ёзишга жазм этдим.

Ҳузуримизга келиб, бироз нафас ростлагач, хаста овозда гап бошлади у: "Ёшим олтмиш иккида, қишлоқда яшайман. Ёшлиқда синфдошимга кўнгил қўйдим ва ота-онамнинг розилиги билан уйландим. Аёлим мени жуда эъзозларди. Фарзандли бўлдик. Тинч-тотув умргузаронлик қилардик. Ишларим яхшиланди. Қўлимда пул ўйнай бошлади. Катта-кичик давраларни кўрдим. Бойлик ортгани сайин орзу-истаклар ҳам ортавераркан. Икки рўзгорни эплашга қўрбим етади, деган ўйда биринчи хотиним билан қонуний ажралмай, ўзимдан ўн тўрт ёш кичик аёлга шаръий никоҳ билан уйландим.

Орадан йиллар ўтиб, яна уйланишга қарор қилдим. У ўзимдан ўттиз ёш кичик эди. Утириб қолган қиз экан, қўлимда пул ўйнагани учун отаси тенги бўлсам ҳам рози бўлаверганда. Каттасида уч, ўртанчасида тўрт, кенжасида икки фарзандим бор. Топиш-тутишим яхшилигида ҳар уч рўзгорни жуда бир хил, бекаму-қуст бўлмасаям ҳар ҳолда таъминлаб келдим. Аммо эркак бахти хотинларининг кўплиги билан эмас, оиладаги ҳурмат-эъзоз билан белгиланишини жуда кеч англадим.

Бемор бўлиб ёстиққа бошим текканда сарсон бўлиб қолдим. Ҳеч қаерга сигмаяпман. Тошкентда опе-



УМРНИНГ УВОЛИ

рация қилиб, битта буйрагимни олиб ташлашди. Одамга муштоқ бўлиб ётдим. Уч хотин бир бўлиб, бир кишичалик асқотмагани етмаганидек, тўққиз фарзандимнинг биттаси ёнимда туришга ярамади, жианларим галма-гал қарашди.

Меҳмон оғир тин олиб, кўзларини бир нуқтага тикканча гапида давом этади: "Бу гапларим билан аёлларим, болаларимни эмас, ўзимни айбляпман. Ўз даврида пулимга ишониб, аёлларни оёқ ости этиб, фарзандларимнинг кўнглини синдирмаганимда, шу зайл беқадр бўлмасдим. Умримизнинг ҳар лаҳзаси ганимат экан. Уша лаҳзада яқинларимизга меҳримизни тутиб, уларнинг кўнглини олишга улгурмасак, иззат-икромга эришарканмиз, акс ҳолда бу неъматларнинг уволи тўтса ёмон тутаркан. Дунёда бир меҳрибонга зор бўлишдан оғирроқ қисмат йўқ экан.

Сиз нима дейсиз?

ҳовлининг бир чеккасида хона, ҳеч бўлмаганда, қозон-товоқ қиладиган жой беришларини сўраяпти. Айтишларича, ундан қизганиб, хонадондаги сувнинг жўмрагини ҳам олиб қўйишаркан.

Қайнона, қайнота ва қонуний эрни келиннинг талабини бажаришга кўндириб бўлмасди. Эндигина катта ҳаёт сари қадам қўйишга чоғланиб турган ўғилда онага нисбатан, балоғат остонасидаги қизда отага, буви ва бувага нисбатан нафрат акс этаётгани ачинтиради одамни. Муддао эса кундай равшан: келини руҳан қийнаб, икки кизини етаклаб, хонадонни ташлаб чиқиб кетишга мажбур этиш.

Бу ўринда келини оқлаш ниятидан мутлақо йироқмиз. Агар у сабрли, кечиримли ва оқила бўлганида, ўз оиласидан иллат изламаганида болалари ҳалитдан ҳаётга бу қадар нафрат кўзи билан қарамас, ота-она бағрида болаликнинг беғубор дамларидан бахраманд бўлиб яшардилар-ку! Ҳар икки

томон ҳам: "Мен сенга кўрсатиб қўяман", қабилида иш тутмаганида, хонадон гурбатхонага айланмас, ота-оналарнинг, оила аҳлининг азиз умри шу қадар эғовланмасди.

Бу дунёда бизга ато этилган умрдан-да мўътабарроқ, омонатроқ нарса йўқ. Омонатга хиёнат қилмоқнинг оқибати хайрли бўлмайди. Яратган бизга ато этган умрнинг ҳар они мўъжиза аслида. Бу мўъжизанинг қадрига етмасак, уни ҳар қандай ёвузлик, зоелиқдан асраб қололмасак, яшайдан маъни изламоқ, ғалвирас сув тутмоқ билан баробар эмасми?!

Хадичахон КАРИМОВА

Ҳамкасбим ишдан бўш вақтларида тадбиркорлик билан шуғулланади. Савдо дўкони ва ширинликлар ишлаб чиқариш цехи бор. Ишхонада ҳам ўз ишини яхши билади. Интизом билан ишлайди. Тушлик пайти савдо дўкони ва цехидан хабар олиб келади. Унинг шижоати, тиниб-тинчимаслигига ҳавасим келади. Тадбиркорлиги туфайли яхши даромад олаётган бўлса-да, ўз касбидан четлашишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. "Қўшимча ишим бўш вақтларимни тўлдиради, касбим эса жамияттаги ўрнимни белгилловчи муҳим бир воситадир", дейди у.

Шифокор
Тадбиркор

Ўқитувчи
Хунарманд

аной эмас, келин қилмоқчи бўлган кизни обдон сўраб-суриштиради. Ўзига бу гапларни айтсам, қовоғини солиб: "Сен ёмон раҳбарга йўлиқмагансан-да", дея иддао қилади. "Битта раҳбар ёмондир, иккитаси ёмондир, ахир етти ташкилотда ҳам ёмон одам раҳбарлик қилмас?!"

Ишхонасига ходим кераклигини айтган танишимга дугонамни тавсия қилгандим, у: "Ташкилотимиз хусусий. Бизда ҳамма ўз ишини билиб қилади ва шунга қараб маош олади. Дугонангиз бетайин, қўл учидан энгилгина ишлаб, катта маош олишни хоҳлайди. Унақа одамларни ишга олганлар ҳам баракла топмайди", деб рад жавобини берди. Меҳнат инсоннинг зийнати, деган гапнинг нақадар ҳақ эканини яна бир бор англадим ўшанда...



қўймайди. Ўқиб, иш билан бўлиб амма тенгдошларидан кеч турмуш қурган эканлар. Меҳнатсевар, удабуррон бўлганлариданми, болалари мактабни битириб, олий ўқув юртига кирган заҳоти узатдилар, уйлантирдилар. Тенгдошларидан кеч она бўлиб, улardan эрта буви бўлдилар. Ҳозир пенсияга чиққанлар. Лекин ҳанузгача абитуриентларга она тили ва адабиётдан репититорлик қиладилар. Ҳатто узузморга ҳам чиқиб ишлайдилар. Ўз касбида меҳнат қилиб ном қозониш фақат обрў бўлиб қолмай, балки инсонни ёшартирар ҳам экан...

Саодат

"Амалларнинг энг яхшиси ҳалол касб қилишдир".
Ҳадисдан

ХИЁНАТНИНГ ЖАЗОСИ

Ўқитувчи эдим. Мактабда тарих фанидан дарс берардим. Ун йилча олдин одамлар хорижга ишлагани бориб, кўп пул топиб келишяпти, деган гап оромимни бузди. Бир томондан аёлим ҳам: "Икки-уч йил ишлаб келсангиз, рўзгоримиз ўнганармиди", деб туриб олди. Кекса ота-онамнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, мактабдаги ишимдан бўшаб, хорижга кетдим. Биз ишлайди-

Дилноза

КАСБИНИГИЗГА

Тўғри яшасангиз, узоқ умр кўрасиз

Инсон ер юзини обод қилиш, яхшилик ўрнатиш, уни гўзал этиб ободонлаштириш учун яратилган. Бунда эса бевосита иқтисодий омиллар устувордир. Яшаш шароити фаровон, молиявий мустақилликка эга инсон ҳам ўзига, ҳам атрофидагиларга фойда келтиради. Ҳаётда ўз ўрнини топиш, иқтисодий жиҳатдан бекаму кўст яшашнинг энг асосий омилли — касб-хунар эгаллаш ва меҳнатсеварликдир.

Кейинги пайтларда моддий етишмовчилик ёки бошқа баҳона сабабларни рўқач қилиб мутахассислиги ёхуд эгаллаган хунари ордан келаётган ризққа қаноатланмай бозорга чиқиб кетганлар, хорижий давлатлардан "мўмай даромад" қидиришга ишқибозлар ҳеч кимни ҳайратлантирмай қўйди. Ҳатто баъзид: "Тўғри қилибди, ҳозир ҳамма пул бозордаку! Ҳамшираликнинг арзимаган маошига вақтини сарфлаб юрадимми?.." ёхуд "Ўқитувчилик эркак кишига касб бўлармиди?! Ундан кўра, бошқаларга ўхшаб, хорижга чиқиб ишлаб келгани маъқул-да", деб уларнинг баҳоналарини оқлаб ҳам қўямиз.

Афсуски, шу ўринда кўпчилигимиз хато ўйлаймиз. Касб – инсоннинг тақдири. Тақдир эса Яратган томондан белгиланади. Демак, маоши озми-кўпми, иши огирми-енгилми, бизга тақдир қилинган касб-хунар орқали ризқимиз етказилади. Касбига хиёнат қилиб, мўмай даромад илнжиди ўзини ҳар томонга урганларга на ишда, на шахсий ҳаётда омад қулиб боқмайди. Атрофдагилар эса уларни: "Бетайин" деб аташади.

"Энг яхши таомингиз ўз касбингиз орқали келганидир".
Ҳадисдан

УЧ ЙИЛДА ЕТТИ ЖОЙДА ИШЛАДИ...

Университетни битирганимизга уч йил бўлди. Утган вақт мобайнида курсдош дугонам етти жойда ишлаб, бўшага улгурди. Таҳсилдан сўнг бир тахририятга таржимон бўлиб ишга жойлашгани, беш ойча ишлаб: "Раҳбар менга ўш шевърлари, ҳиқояларини таржима қилдирипти. Мендан фойдаланяпти. Лекин маошим жуда кам", деб бўшаб кетди. Ундан кейин нуфузли давлат ташкилотидан иш топилиди. У ерда ҳам 4 ойча ишлаб, пахта мавсумида ҳашарда қатнашиб, касал бўлганини рўқач қилиб, бўшади. Хуллас, қаерга ишга кирса 5-6 ой ишлаб, раҳбарларнинг ходимларга дағал муомаласи, меҳнатини қадрламаслигини рўқач қилиб ишдан бўшайвергач, атрофдагиларнинг унга нисбатан ҳурмати сўнган. Аини пайтда уйда ишсиз ўтирибди. Тўғриси, дугонамнинг дипломга ачинаман. Унинг ўрнида бошқа одам университетга кириб ўқиганида балки жамиятимизга фойдаси тегадиган мутахассис бўлармиди?

Ўз касбида тайинли ишолмагани сабаблими, ҳаётда ҳам тенгини тополмаяпти. Ҳозирги совчилар

САДОҚАТЛИМИСIZ?

ЯХШИ ИНСОНЛАР ФАЗИЛАТИ

Ҳар бир инсон ихлосу эътиқод ва яхши ниятлар билан умрининг маълум мuddатини, вақти ва маблағини сарфлаб эгаллаган касб-хунарида ҳалол меҳнат қилиши, ўзига инъом этилган ақл-фаросати, зеҳн-идроки, тадбир-ҳаракатини ишга солиб халққа, эл-юртга манфаат келтириши, ўз оиласини моддий таъминлаши керак.

Ҳалол меҳнат ва касб-хунарида эришган ютуқлари инсонни баланд мақомларга кўтаради. Шунинг учун одамнинг ҳаётдаги маънавий даражасига баҳо берилганда: "Меҳнатсевар, ўз касбининг устаси", дея сифатланади.

НЕГА МАОШИМИЗНИНГ БАРАКАСИ ЙЎҚ?

"Маоши оз", "Эртадан кечгача шугина пулга ишлайманми?" деган асоссиз истеҳзоларни рўқач қилиб, йилда уч-тўртта ишхона алмаштириданлар жамиятда ишсизлик муаммосини пайдо қилишади. Текин пишлоқ қопқонда бўлганидек, ҳеч бир иш берувчи бирданга миллионлаб маошини ваъда қилмайди. Ҳамма ҳамма жойда нарвоннинг биринчи погонасидан юқорига кўтарилари. Жамоада обрў, ҳурмат топиш, юқори миқдорда маош олиш учун бир неча йил ишлаб, обрў қозониш, меҳнат ва гўзал хулқ билан атрофдагилар кўнглидан жой олиш керак бўлади.

Ишлашдан, меҳнат қилишдан асосий мақсад, албатта, моддий эҳтиёжини қондириш, яхши яшаш ва ўзига тақдир қилинган ризқнинг келишини оsonлаштиришдир. Ён-атрофдагиларнинг дилини оғритмаслик, кераксиз гап-сўзлардан, ғийбат, бўҳтон каби инсонларга зиёни тегадиган номаъқулчиликлардан нари юриш ризқни барокатли қилади. Шундай одамлар борки, ўз мутахассислиги бўйича 2-3 жойда ишлашади. Албатта, касбини севган, ишини қойилмақом бажарган кишининг даромади ҳам шунга яраша бўлади. Айримлар бажариши керак бўлган вазифаси қилиб, тиниб-тинчимас жамоадошларининг топлаган маошию мукофот пулларини муҳокама қилиб юришади. Ғийбат ва ҳасадга кетган вақтларини меҳнатга, ўзларига юкланган вазифани бажаришга сарф этсалар, улар ҳам кўп пул топиши, моддий тўкинликка эришиши мумкин. Инсон ғайратли бўлиши керак. Аллоҳ ғайратли бандаларини севди, деган гап бежизга айтилмаган ахир. Ғайрат-шижоатли, меҳнатсевар кишиларнинг ризқи баракали бўлади.

МЕХНАТ ИНСОННИ ЁШАРТИРАДИ

Амма қўш дипломли – олий маълумотли кутубхоначи ва ўқитувчи. Она тили ва адабиёти фанидан дарс бериш билан бирга мактаб кутубхонасига муди-рлик қилари. Бунинг устига 10 гектар тоқзори бор. Поччам билан болаларини бир зум ҳам бўш ўтиришга



ган жойда киш қаттиқ бўлар, совиқ, изгири жондан ўтиб кетарди. Бунинг устига қўрилишда ишлаб, чала битган иморатларда яшардик. Оёғимга оғир темир тушиб кетиб, жароҳатландим. Шифохонада давола-ниш учун ҳужжатим йўқ, бунинг устига дори-дармонга етарли пул тополмай, жароҳатим билан ишлаб юра-вердим. Вақт ўтиши билан оёғимдаги яра қорасонга айланибди. Бир амаллаб оёғи етиб келдим. Ёлгон бўлмасин, бу вақт мобайнида анчагина пул ишлаб, уйга жўнатгандим. Ўша пулларга оёғимни операция қилдиридим. Дўхтирларнинг: "Оёқни кесиб ташлаймиз", деганини эшитган ва афт-ангоримни кўрган онамнинг юраги хуруж қилиб қолганди. Касалхонада ётганимда вафот этибдилар, жанозаларида қатнашолмадим. Ўзимга келиб, қўлтўғида юра бошлаганимдан кей-ин отамнинг олдига борсам: "Болам, бошинга тушган савдоларнинг боисини англагандирсан? Булар сенга, бола-чақанга ризқ-насиба бераётган касб-корингни бесабаб тарк этганинг учун юборилди. Яхшиям беш-олти йил мактабда ишлаб қўйган экансан, бугун оғир кунингда касбинг асқотиб, давлат сенга ногиронлик нафақаси тайинланганида ўша ишларинг ҳам ҳисобга олинди", дедилар. Бу гаплардан қаттиқ таъсирландим. Аммо пушаймон бўлишимдан наф йўқ, касбимга хиёнат қилганим учун катта йўқотишлар билан жазо-ландим...

Обиджон

ХУЛОСА

Ҳаёт гўзал. Уни янада гўзаллаштириш эса ўзимизнинг қўлимизда. Тан олинган ҳақиқат мавжуд: ҳаёт моддий тўкинлик билан гўзал кўринади. Албатта! Агар ўша моддий манфаат ўз касбу хунарингиз, ҳалол меҳнатингиз ордан келса, ишонаверинг, у тотимли ва албатта, давомли бўлади. Бу борада ҳам элдан ошириб бир нарса деёлмаймиз: "Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик".

Умида АДIZОВА

Оила ва Ҳақиқат
Иجتимой-сиёсий, маънавий-маърифий газета
Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,
"Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси
(Болалар жамгармаси) ва
"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди
Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темуր кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.
Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 526. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади – 7415. Баҳоси келишилган нархда.
Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00
Навбатчи: **Х. Мусурмонова**
Мусаҳҳих: **С. Сайдалимов**
Саҳифаловчи: **А. Маликов**
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ISSN 2010-7609
7 720 10 7600 0 7
1 2 3 4 5